

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

14 июнь 2018 й.г. № 453

Тошкент ш. – г. Тошкент

**Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни
халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази фаолиятини
ташkil этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда халқаро миқёсда республика ва мамлакат ташкилотлари манфаатларини муносиб ифода этаоладиган юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитишни ташкил этиш, юридик таълим олишга кенг имкониятлар яратилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки, Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) давлат муассасаси шаклида тузилади ва Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курсларини ташкил этишда:

тингловчиларнинг инвестиция ва тижорат фаолиятида халқаро ҳуқуқ асосларини ўзлаштиришини, халқаро хусусий, тижорат ҳуқуқи, халқаро арбитражнинг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини амалда қўллаш, илғор адвокатлик техникаси, активларни халқаро кидириш ва уларни қайтариш техникаси, халқаро тергов қилиш ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш соҳасида ўқитишни таъминлаш;

тижорат арбитражи соҳасидаги халқаро юридик амалиётни, мамлакатларнинг ҳуқуқий позициясини ишлаб чиқиш ва уни ҳимоя қилишнинг замонавий тенденцияларини тизимли асосда ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларини тингловчиларга, масъул давлат органлари ва ташкилотларига етказиш;

тингловчиларнинг халқаро инвестиция ва тижорат фаолияти, халқаро арбитраж иш юритувини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш соҳаларида процессуал ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқ ва халқаро шартномалар нормаларини талқин қилиш кўникмаларини такомиллаштириш;

хорижий юридик компаниялари, халқаро арбитраж институтлари ва бошқа тегишли ташкилотларда тингловчиларнинг стажировкасини ташкил қилиш;

тингловчиларни амалий ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

б) олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларини ташкил этишда:

тингловчиларнинг ҳуқуқ соҳасидаги фундаментал билим ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган интенсив ўқитиш дастурларини амалга ошириш асосида кадрларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

юристинг профессионал одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда тингловчиларнинг ҳуқуқий масалалар ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириш бўйича касбий компетенция даражаларини ўстириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида таълим беришнинг соҳалараро ёндашувини жорий этишга кўмаклашувчи ҳуқуқ соҳасининг бошқа фан соҳалари билан ўзаро интеграция жараёнларини ривожлантириш;

қайта тайёрлаш жараёнида замонавий ёндашув ва технологияларни, хорижий ва миллий илғор тажрибани умумлаштириш ва жорий қилиш орқали ўқитиш тизимини тубдан яхшилашга кўмаклашиш;

тингловчиларнинг таҳлилий фикрлашини ўстириш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни таҳлил ва талқин қилиш, қўллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган инновацион педагогик технологияларни қўллаш;

тингловчиларнинг касбий ўсишига қаратилган ўқитишнинг интерфаол усулларини, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда сайёр машғулотларни қўллаш орқали жорий қилиш.

3. Қуйидагилар:

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курслари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тошкент давлат юридик университети ректорига Марказ тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда ходимларнинг белгиланган сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки:

Марказ директори Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

белгиланган даврийликка мувофиқ олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлардан дарс берувчи педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларидан ташқари Марказда ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

Марказ ходимларига ушбу қарор қоидаларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларида ўқув машғулотларини олиб бориш учун жалб қилинадиган мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Марказда таълим олиш учун ҳақ тўлаш ҳисобига тушадиган маблағлар ҳисобига, соатбай ҳақ тўлаш тартиби асосида, белгиланган миқдорнинг 200 фоизигача оширилиши мумкин бўлган миқдорда амалга оширилади;

Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юриспруденция ва ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширади.

5. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлардан дарс берувчи педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида белгиланган даврийликка мувофиқ ўқиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш, шунингдек, олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун олинган маблағлар;

бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Тошкент давлат юридик университетининг ўқитишнинг базавий қиймати миқдоридан ошадиган қисмидаги тўлов-контракт маблағлари;

хўжалик фаолиятдан, шу жумладан, қўшимча таълим хизматлари кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

хайрия эҳсонлари;

халқаро молиявий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларида ҳамда юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курсларида ўқиш учун олинган маблағлар Марказ томонидан тўлалигича ва мустақил равишда сарфланади.

6. Марказга олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларида ва юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курсларида ўқиш учун тушган маблағлар ҳисобига ўз ходимларига тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Тошкент давлат юридик университетининг тўлов-контракт асосида ўқитишнинг базавий қиймати миқдоридан ошадиган қисмидаги маблағлари ҳисобига Марказнинг ходимларига ҳар ойлик устама ҳақ белгилаш мақсадида уни моддий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи сақлаб қолинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тингловчиларнинг Марказда ўқиши, шу жумладан, уларни хорижий юридик компаниялар ва халқаро арбитраж институтларига стажировкага юбориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва банк билан йил бошидаги келишувга мувофиқ дастлабки икки йил давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги буюртмасига биноан хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатларини тўлаш учун Банк кенгаши томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган доирада йиллик грантлар ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари заруриятга қараб ўз кадрларининг касбий даражасини ошириш бўйича, шу жумладан, ҳар йили тегишли мутахассисларни Марказга йўналтириш йўли билан халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш учун амалий чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги Марказга:

халқаро мутахассисларни жалб қилиш мақсадида юридик компаниялар, халқаро арбитраж институтлари, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

тингловчиларнинг хорижий юридик компаниялар ва халқаро арбитраж институтларида стажировкасини ташкил этишда кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг буюртмасига биноан Марказда ўқув машғулотларини олиб бориш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга кўп марталик кириш визалари берилиши ва уларнинг муддати узайтирилиши, Ўзбекистон Республикасидаги вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлигининг буюртманомасига биноан чет эл мутахассислари Ўзбекистон Республикасига жалб этилишига рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, ушбу қарорни амалга ошириш доирасида чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Давлат бюджети параметрларида Марказ фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағларни олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг белгиланган даврийлигига мувофиқ “Таълим” соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида назарда тутсин;

Марказга битта автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказ фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, тегишли билим ва иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

14. Марказ Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 39-сон, 453-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказлари рўйхатига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

16. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 14 июндаги
453-сон қарорига
1-илова

**Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни
ҳалқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



*) Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сақланади.

Ходимларнинг чекланган сони (профессор-ўқитувчилар таркиби ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) – 10 киши, шу жумладан, бошқарув ходимлари – 6 киши.

Ёрдамчи ходимларнинг сони давлат бошқаруви органлари учун белгиланган нормативларга асосан аниқланади.

Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курслари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш қисқа муддатли курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш курслари (кейинги ўринларда профессионал ўқитиш курслари деб аталади) – инвестиция ва тижорат фаолиятида халқаро ҳуқуқ асосларини шакллантиришни таъминлашга, шунингдек, халқаро юридик амалиётда уларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришга қаратилган юридик кадрларни қисқа муддатли ўқитиш шакли;

талабгорлар – халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш курсларида таълим олишни хоҳловчи, инглиз тилини амалиётда эркин қўллай олиш даражасида биладиган шахслар;

тингловчилар – суҳбатдан муваффақиятли ўтиб белгиланган миқдордаги контракт пулини тўлаган ҳамда Марказ директорининг буйруғи билан профессионал ўқитиш курсларига қабул қилинган шахслар.

3. Ўқитиш курслари қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

таянч курс – халқаро тижорат фаолияти, халқаро арбитраж ва суд низоларини ҳуқуқий таъминлаш соҳасида асосий малака ва кўникмаларни ривожлантириш;

соҳавий курс – халқаро инвестиция ва тижорат фаолиятини самарали ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш билан таъминлаш, халқаро хусусий, тижорат ҳуқуқи, халқаро арбитражнинг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш, илғор адвокатлик техникаси, активларни халқаро қидириш ва уларни қайтариш, халқаро тергов қилиш ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш ва бошқа шу каби муайян соҳага оид билим ва кўникмаларни ривожлантириш учун зарур бўлган курслар.

4. Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш қисқа муддатли курсларининг ташкил қилиниши ва ўтказилиши мазкур Низомнинг иловасидаги схема бўйича амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда Адлия вазирлиги деб аталади) томонидан, коида тариқасида, ҳар йили 15 ноябрга қадар вазирликлар ва идораларнинг, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг бюртмалари асосида кейинги календарь йил учун таълим йўналишлари кесимида профессионал ўқитиш курслари тингловчиларнинг ойлик дастлабки рўйхатини шакллантирилади.

6. Ўқитиш курсларининг муддати ўқитиш дастурларидан келиб чиққан ҳолда, аммо бир ойдан кам бўлмаган муддатда Марказ томонидан белгиланади.

7. Тингловчиларни қабул қилиш Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган ўринлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда ва суҳбат натижаларига кўра амалга оширилади.

Профессионал ўқитиш курсларида таълим олиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

8. Суҳбат:

халқаро хусусий ва оммавий ҳуқуқ соҳасидаги билимлар;

инглиз тилини билиш даражасини аниқлаш учун амалга оширилади.

9. Профессионал ўқитиш курсларида дарс машғулотлари асосан инглиз тилида олиб борилади. Дарс машғулотлари заруратга қараб бошқа тилларда ҳам олиб борилиши мумкин.

10. Курсларда ўқитиш тингловчининг асосий иш жойидан ажралган ҳолда амалга оширилади. Иш берувчининг розилигига кўра курсларда ўқиш давомида Марказ тингловчиларининг асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

2-боб. Профессионал ўқитиш курсларига ҳужжатларни қабул қилиш ва қабулни ташкил этиш

11. Марказ директори ҳар йили 15 январдан кечикмай тингловчиларнинг дастлабки рўйхати асосида кейинги йил учун профессионал ўқитиш курсларини ўтказиш жадвалини тасдиқлайди.

Зарур ҳолларда Марказ томонидан Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда жадвалдан ташқари, шунингдек, бошқа турли мавзуларда қўшимча курслар ташкил этилиши мумкин.

12. Тингловчиларни қабул қилиш тўғрисидаги маълумот ва суҳбатни ўтказиш жадвали Марказнинг расмий веб-сайтида, коида тариқасида, профессионал ўқитиш курсларида ўқиш бошланишидан бир ой олдин жойлаштирилади.

13. Суҳбат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи асосида ташкил этилган комиссия томонидан амалга оширилади.

14. Суҳбат, коида тариқасида, инглиз тилида ўтказилади. Суҳбатда талабгорларнинг инглиз тилини билиш даражаси камида B2 даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

15. Чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи B2 ва ундан юқори даражадаги давлат малака сертификатиға ёки халқаро сертификатлардан CEFR (Common European Framework of Reference) B2, IELTS (International English Language Testing System) бўйича 6,0 балл, TOEFL (Test of English as a Foreign Language) бўйича 95 балл ва ундан юқори даражага эга бўлган талабгорларлар инглиз тилини билиш даражасини аниқлашга қаратилган суҳбатдан ўтишдан озод қилинади.

16. Комиссия суҳбат натижалари бўйича талабгорни курсга ўқишга тавсия қилиш ёхуд ўқишга тавсия қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади.

17. Суҳбат натижалари Марказнинг расмий веб-сайтида суҳбат якунланганидан кейинги иш кунда жойлаштирилади.

18. Суҳбатдан муваффақиятли ўтган талабгорлар уч кун мобайнида қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этадилар:

паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат;

олий маълумот тўғрисидаги диплом ва дипломга илова;

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги рангли фотосурат.

19. Тингловчиларни қабул қилиш учун суҳбат қайта ўтказилмайди.

20. Суҳбат натижалари юзасидан шикоят қилиниши ва апелляция тартибида кўрилиши мумкин эмас.

21. Профессional ўқитиш курсларига қабул қилиш:

суҳбатдан муваффақиятли ўтилган;

суҳбат натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ўн иш кундан кечиктирмай контракт тўлови суммаси ўтказилган тақдирда Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Тегишли намунадаги контракт бланкалари суҳбат натижалари эълон қилинган кундан бошлаб юридик шахслар учун уч нусхада, жисмоний шахслар учун икки нусхада берилади ҳамда Марказнинг раҳбари ва бухгалтери имзолари билан тасдиқланади.

23. Профессional ўқитиш курсларида ўқиш учун контракт маблаларининг миқдори Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

3-боб. Профессional ўқитиш курсларида ўқув жараёни

24. Марказ Адлия вазирлиги, шунингдек, хорижий юридик компаниялар ва таълим муассасалари билан биргаликда эҳтиёжлардан келиб чиқиб профессионал ўқитишнинг талаб юқори бўлган йўналишларини аниқлайди.

25. Профессional ўқитиш курсининг дастури Марказ томонидан хорижий юридик компаниялар ва таълим муассасалари билан биргаликда профессионал ўқитишнинг аниқланган йўналишидан келиб чиқиб, халқаро арбитраж муҳокамаларида иштирок этиш доирасида юзага келадиган долзарб муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Профессional ўқитиш курси дастури Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

26. Аудитория машғулотларининг давомийлиги курс дастурига мувофиқ белгиланади.

27. Ўқув жараёнида амалиётга йўналтирилган, шу жумладан, видео-конференц-алоқадан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг замонавий интерфаол усуллари қўлланилади.

28. Марказда ўқув машғулотларини ўтказиш учун асосан хорижий юристлар ва тегишли чет эл мутахассисларини жалб қилиш шартнома асосда амалга оширилади.

Ўқув машғулотларини ўтказишга арбитраж, суд процесларини ўз ичига олган халқаро ҳуқуқни қўллаш тажрибасига эга бўлган, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширувчи хорижий юридик компаниялар ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

29. Курслар тамомлангандан кейин тингловчиларга Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунадаги сертификат берилади.

30. Адлия вазирлиги курсларни муваффақиятли тамомлаган тингловчилар орасидан уларнинг кўникма ва касбий компетенциялари шаклланганлиги ва ривожланганлиги даражасини инобатга олган ҳолда хорижий юридик компаниялар ва халқаро арбитраж институтлари, шунингдек, бошқа тегишли муассасаларда стажировкаларни ташкил этиш учун тингловчиларни танлаб олади. Стажировка, коида тарикасида, икки ойдан уч ойгача бўлган муддатда ташкил этади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

31. Адлия вазирлиги тингловчиларнинг ўқув жараёни ва стажировкаси мониторингини олиб боради, улар билан доимий алоқада бўлади.

32. Тингловчи профессионал ўқитиш курсида ўқишни давом эттиришни рад этган тақдирда тўланган контракт суммаси қайтариб берилмайди.

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Юридик кадрларни халқаро
стандартлар бўйича қисқа
муддатли профессионал ўқитиш
курслари тўғрисидаги низомга
илова

**Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли
профессионал ўқитиш курсларини ташкил қилиш ва ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Адлия вазирлиги Марказ	1. Вазирликлар ва идоралар, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг буюртмалари асосида профессионал ўқитиш курслари тингловчиларининг дастлабки контингентини шакллантиради. 2. Кейинги йилда профессионал ўқитиш курсларини ўтказиш жадвалини ишлаб чиқилади ва тасдиқлайди.	хар йили 15 ноябргача 15 январдан кечикмай
2-босқич	Марказ	1. Қабулни эълон қилади ва суҳбат ўтказиш жадвалини тасдиқлайди. 2. Суҳбат ўтказишни ташкил этади. 3. Суҳбат натижаларини эълон қилади.	курслар бошланишидан бир ой олдин курслар бошланишидан 15 кун олдин суҳбат ўтказилгандан сўнг кейинги иш кунида
3-босқич	Марказ	1. Суҳбатдан муваффақиятли ўтган талабгорлардан хужжатларни қабул қилади. 2. Тингловчиларни профессионал ўқитиш курсларига қабул қилади. 3. Ўқув жараёнини ташкил этади.	суҳбат ўтказилгандан сўнг 3 кун мобайнида суҳбат ўтказилгандан сўнг 10 кун мобайнида цикл (дастурлар) мобайнида
4-босқич	Марказ	Сертификат беради	курслар тамомлангандан кейин

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 14 июндаги
453-сон қарорига
3-илова

**Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик
мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тошкент давлат юридик университети хузуридаги юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) олий маълумотга эга шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари (кейинги ўринларда қайта тайёрлаш курслари деб аталади) – давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг юридик хизматларида фаолият олиб бориш учун етарли даражадаги билим олишни ва кўникма шакллантиришни назарда тутадиган олий таълимдан кейинги ўқитиш шакли.

талабгорлар – мазкур Низомнинг 1-иловасида белгиланган рўйхатдаги йўналишлар бўйича олий маълумотга эга бўлган ва кириш имтиҳонларига рухсат этиладиган шахслар;

тингловчилар – кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган, ўқиш учун контракт тўловини амалга оширган ва қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахслар.

3. Тингловчиларни қабул қилиш Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда ТДЮУ деб аталади) Кенгаши томонидан белгиланган ўринларга мувофиқ, тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

4. Тингловчиларни қабул қилиш суҳбат шаклида ўтказиладиган кириш имтиҳонлари натижасига кўра амалга оширилади.

5. Кириш имтиҳонлари юридик касбни танлашнинг асослантирилиши, ҳуқуқ соҳасидаги таянч билимлар ва таҳлилий фикрлашни аниқлаш нуктаи назаридан ўтказилади.

6. Қайта тайёрлаш курсларида ўқиш давлат ва рус тилларида амалга оширилади.

7. Кириш имтиҳонлари қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш ҳақидаги аризада кўрсатилган, тингловчи қайта тайёрлаш курсларида таълим оладиган тилда ўтказилади.

8. Қайта тайёрлаш курсларида ўқитишнинг давомийлиги олти ойни ташкил этади ва асосий иш жойидан ажралган ҳолда амалга оширилади.

Иш берувчининг розилигига кўра, қайта тайёрлаш курсларида ўқиш давомида Марказ тингловчиларининг асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

9. Қайта тайёрлаш курсларида ўқиш иккинчи олий маълумот олиш ҳисобланмайди.

10. Қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш мазкур Низомнинг 2-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта тайёрлаш курсларига қабулни ташкил этиш

11. Қайта тайёрлаш курсларига қабулни ташкил этиш Марказнинг маслаҳат комиссиясига (кейинги ўринларда Маслаҳат комиссияси деб аталади) юклатилади.

Тегишли йил учун Маслаҳат комиссиясининг таркиби Марказ ходимлари орасидан шакллантирилади ва ТДЮУ ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Марказ директори лавозими бўйича Маслаҳат комиссиясининг раиси ҳисобланади.

12. Маслаҳат комиссияси ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари ва ўқиш учун ажратилган ўринларнинг умумий сони ҳақидаги маълумотларни, қоидага кўра, ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан икки ой олдин Марказнинг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

13. Қайта тайёрлаш курсларига қабул пайтида талабгорлар мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги таълим олиш тили кўрсатилган ҳолда, қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш ҳақидаги электрон аризани онлайн режимда тўлдирадилар.

14. Қабул қилиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар электрон шаклда илова қилинади:

паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат;

олий маълумот тўғрисидаги диплом (ёки дипломдан кўчирма – Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида битирганлар учун) ва дипломнинг иловаси;

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги рангли фотосурат.

Аризага илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат ҳақиқийлиги сақланишини таъминловчи (ҳар бир дюймга 200 нуктадан кам бўлмаган) алоҳида файл кўринишида бўлиши керак. Ҳар бир файл ўлчами 10 Мбдан ошмаслиги лозим.

Аризани ҳужжатлар PDF (portable document format) форматида сканер қилинган нусхалари кўринишида илова қилинган ҳолда жўнатишга йўл қўйилади.

15. Мазкур Низомнинг 13 ва 14-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ барча ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, ариза 48 соат ичида ноёб рақам бериш орқали рўйхатга олинади ва талабгорга белгиланган муддатда ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиш ҳақида хабар берилади.

Аризага ноёб рақам бериш пайти Маслаҳат комиссияси томонидан ҳужжатлар қабул қилинган вақт ҳисобланади.

16. Такдим қилинган ҳужжатлар мазкур Низомнинг 13 ва 14-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, бир кун ичида аризада кўрсатилган электрон почта манзили бўйича талабгорга тегишли хабарнома юборилади. Бунда талабгорга кўрсатиб ўтилган камчиликларни тузатиш ва ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар уларни такроран такдим этиш имкони берилади.

Ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

17. Қабул қилиш тўғрисидаги рўйхатга олинган аризалар сони ҳар куни Марказнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

18. Кириш имтиҳонлари ТДЮУ ректори буйруғи билан тузилган Имтиҳон комиссияси томонидан ўтказилади. Имтиҳон комиссияси таркибига ТДЮУ ва Марказ ходимлари билан бир қаторда бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам, уларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда, киритилиши мумкин.

Имтиҳон комиссиясига комиссия аъзолари фаолиятини умумий мувофиқлаштирувчи раис бошчилик қилади. Имтиҳон комиссияси фаолиятининг ташкилий жиҳатдан таъминланиши унинг котибига юкланади.

19. Суҳбат саволларини тузиш учун эксперт гуруҳи ташкил этилади. Эксперт гуруҳи шартнома асосида жалб қилинган тегишли соҳанинг малакали мутахассислари орасидан шакллантирилади. Эксперт гуруҳи фаолиятига Маслаҳат комиссияси раиси раҳбарлик қилади.

Кириш имтиҳонлари учун саволлар мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонлар бўйича тузилади.

20. Тузиладиган саволларнинг сифати ва мазмуни юзасидан масъулият эксперт гуруҳи аъзоларига юкланади.

21. Кириш имтиҳонлари билетлари эксперт гуруҳи томонидан тузилган саволлардан шакллантирилади. Ҳар бир билет учта саволдан (ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳар бир мезон бўйича биттадан) иборат бўлиши лозим.

22. Кириш имтиҳонларини ўтказиш жадваллари Марказ директори томонидан тасдиқланади ва Марказнинг расмий веб-сайтида, қоидага кўра, суҳбат бошланишидан бир ой олдин жойлаштирилади.

23. Кириш имтиҳонлари ўтказилишига қадар консултациялар ташкил этилади, консултациялар жадвали Марказ директори томонидан тасдиқланади.

24. Талабгорлар кириш имтиҳонлари бошланишидан уч кун олдин Маслаҳат комиссиясига мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг аслини такдим этади.

Ҳужжатларнинг сохта ёки қалбакилиги аниқланган тақдирда, талабгор кириш имтиҳонларидан четлаштирилади.

25. Кириш имтиҳонлари бошланишидан олдин талабгор паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни кўрсатиши шарт.

26. Кириш имтиҳонларига мобил телефон ҳамда бошқа алоқа ва телекоммуникация воситаларини олиб кириш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

27. Кириш имтиҳонларида талабгор саволлар берилган билетни танлайди. Талабгорга тайёрланиш учун йигирма дақиқа ажратилади.

Суҳбат жараёнида талабгорга билет мазмуни доирасида қўшимча саволлар берилиши мумкин. Битта талабгор билан суҳбат йигирма дақиқагача давом этади.

28. Кириш имтиҳонлари натижаларини аниқлаш учун Имтиҳон комиссиясининг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил равишда ҳар бир талабгор учун алоҳида баҳолаш варақасини тўлдиради ва уни Имтиҳон комиссияси котибига тақдим этади.

Имтиҳон комиссиясининг котиби Имтиҳон комиссияси аъзолари томонидан талабгорга қўйилган ўртача баллни ҳисоблайди.

Кириш имтиҳонлари натижалари рейтинг тизимига мувофиқ номзодга қўйилган балларни (0 дан 100 гача бўлган доирада) назарда тутган ҳолда аниқланади ва ТДЮУ ректори томонидан тасдиқланадиган Имтиҳон комиссияси мажлиси баённомасига киритилади.

29. Кириш имтиҳонлари натижалари Марказнинг расмий веб-сайтида суҳбат жараёнининг сўнгги босқичи бўлиб ўтгандан кейинги иш кунидан кечиртирмасдан жойлаштирилади.

30. Талабгор кириш имтиҳонларига келмаган тақдирда унга 0 балл қўйилади. Суҳбат якуни бўйича белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан кам балл тўплаган тақдирда талабгор қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинмайди.

31. Қайта тайёрлаш курсларига тингловчиларни қабул қилиш учун қайта кириш имтиҳонлари ўтказишга йўл қўйилмайди.

32. Кириш имтиҳонлари натижалари юзасидан шикоят қилиниши ва апелляция тартибида кўриб чиқилиши мумкин эмас.

33. Қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

мазкур Низомнинг 3-бандига мувофиқ белгиланган ўринлар сонини инобатга олган ҳолда кириш имтиҳонидан муваффақиятли ўтганда (суҳбатда белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан юқори балл тўплаганда);

кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилингандан сўнг ўн беш иш кунидан кеч бўлмаган муддатда контракт тўлови суммаси ўтказилганда.

34. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ва ўқиш учун маблағларни тўлаган талабгор Марказ директорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

35. Мазкур Низом 33-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган шартлар бажарилмаган тақдирда, қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиниш ҳуқуқи белгиланган максимал баллнинг 55 фоиздан ортиғини тўплаган кейинги талабгорга берилади.

36. Тасдиқланган намунадаги шартнома бланкалари Маслаҳат комиссияси томонидан кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилинган кундан бошлаб юридик шахслар учун уч нусхада, жисмоний шахслар учун икки нусхада берилади ҳамда Марказ директори ва бухгалтери имзолари билан тасдиқланади.

Қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун контракт суммаси миқдори ТДЮУ Кенгаши томонидан тасдиқланади.

3-боб. Қайта тайёрлаш курсларида ўқув юкларининг ҳажми

37. Аудитория машғулотларининг максимал ҳажми ҳафтасига 30 соат миқдорида белгиланади. Ўқув жараёни давомийлиги 26 ҳафтани ташкил этади.

38. Умумий ўқув вақти ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим – 18–24 ҳафта;

аттестация – 2–4 ҳафта;

битирув иши – 1–2 ҳафта.

4-боб. Қайта тайёрлаш курсларида ўқув жараёни

39. Ўқув жараёнининг ташкил этилиши ТДЮУ Кенгаши томонидан тасдиқланган малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

40. Ўқув жараёнида ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари қўлланилади – маъруза ва семинар.

Ўқув жараёнида, шунингдек ўқув машғулотларининг қўшимча турлари – клиник таълим, суд мажлислари имитацияси (moot court), сайёр машғулотлар ва бошқалар ҳам қўлланилиши мумкин.

41. Ўқув жараёнида асосан дарс машғулотларини ташкил этишнинг амалиётга йўналтирилган замонавий шакллари – кейс-стади, илмий презентациялар, жамоада ишлаш ва бошқалар қўлланилади.

42. Барча турдаги аудитория машғулотларининг давомийлиги 80 дақиқани, ўқув машғулотлари ўртасидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил этади.

43. Ўқув жараёни, қоидага кўра, 25 кишидан ортиқ бўлмаган тингловчилардан иборат академик гуруҳларда ташкил қилинади.

44. Тингловчиларнинг билими қуйидаги 3 та турдаги – жорий, оралик ва якуний назорат турлари бўйича баҳоланади.

Тингловчиларнинг билимларини назорат қилиш ёзма ишларни текшириш ва баҳолашда анонимликни таъминлайдиган, асосан ёзма шаклда ўтказилади.

Муайян назорат турларидан ўтолмаган тингловчиларга фақат бир марта қайта топшириш имконияти берилади.

45. Тингловчиларнинг фанларни ўзлаштириши ТДЮУ томонидан тасдиқланадиган билимларни баҳолашнинг рейтинг тизими асосида назорат қилинади. Фанларни ўзлаштириш назорати электрон тизимни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

46. Ўқув режасига киритилган фанларни ўзлаштирмаган тингловчилар Давлат аттестациясига қўйилмайди.

5-боб. Тингловчиларнинг Давлат аттестацияси

47. Тингловчилар Давлат аттестациясига ўқув режасига киритилган фанларни ўзлаштиргандан сўнг қўйилади.

48. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи билан тингловчиларнинг Давлат аттестациясини ўтказиш бўйича Давлат аттестация комиссияси тузилади.

49. Тингловчиларнинг Давлат аттестацияси битирув ишини ҳимоя қилиш шаклида амалга оширилади.

Битирув иши ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳуқуқий таҳлил қилишга, назарий билимлар ва амалий кўникмаларини, ҳуқуқий манбалар билан ишлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва қўллаш кўникмаларини мустаҳкамлашга ва кенгайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

Битирув ишларини тайёрлаш ва уни ҳимоя қилишга доир талаблар ТДЮУ Кенгаши томонидан тасдиқланади.

50. Давлат аттестация комиссиясининг қарори Марказ директори томонидан ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги дипломларни бериш тўғрисидаги буйруқни расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

51. Қайта тайёрлаш курслари яқунлари бўйича тингловчиларга ушбу Низомнинг 4-иловасида белгиланган шаклда давлат намунасидаги диплом берилади.

52. Давлат аттестацияси яқунлари бўйича қониқарсиз баҳо олган шахсларга кейинги қайта тайёрлаш курсида такроран топширишга имконият берилади. Бундай ҳолатда такроран топшириш имконияти фақат бир марта берилади.

53. Давлат аттестацияси комиссияси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнатга соатбай ҳақ тўлашнинг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

54. Қайта тайёрлаш курсларидаги педагоглик фаолиятига, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш тартибида шартнома асосида жалб этилади.

55. Тингловчилар куйидаги ҳолатларда ўқув курсидан четлаштирилади:

ўз хоҳишига кўра;

тингловчининг вафоти муносабати билан;

дарс машғулотларини сабабсиз 10 академик соатдан ортиқ қолдирганда;

ўқув режасидаги фанларни ўзлаштирмаганда;

Марказ ички тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузганда.

Тингловчилар ўқишдан четлаштирилганда ўқиш учун тўланган контракт суммаси қайтарилмайди.

56. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни
юримдик мутахассисликка қайта тайёрлаш
курслари тўғрисидаги низомга
1-илова

**Юримдик мутахассисликка қайта тайёрлашга рухсат
этиладиган шахсларнинг олий таълим йўналишлари
РҲЙХАТИ**

№	Таълим йўналишининг номи	Таълим йўналишининг коди
1	Математика ўқитиш методикаси	5110100
2	Тарих ўқитиш методикаси	5110600
3	Педагогика ва психология	5110900
4	Ўзбек тили ва адабиёти	5111200
5	Она тили ва адабиёти (тиллар бўйича)	5111300
6	Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)	5111400
7	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқий таълим	5111600
8	Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича)	5120100
9	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	5120200
10	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	5120300
11	Фалсафа	5120500
12	Диншунослик	5120600
13	Жаҳон сиёсати (минтақалар бўйича)	5120700
14	Шарқ фалсафаси ва маданияти	5120800
15	Математика	5130100
16	Амалий математика ва информатика	5130200
17	Физика	5140200
18	Социология	5210100
19	Психология (фаолият турлари бўйича)	5210200
20	Журналистика ва ахборот	220 000
21	Журналистика (фаолият турлари бўйича)	5220100
22	Архившунослик	5220300
23	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	5230100
24	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	5230200
25	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (тармоқлар бўйича)	5230300
26	Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	5230400
27	Божхона иши (фаолият турлари бўйича)	5230500
28	Молия	5230600
29	Банк иши	5230700
30	Солиқлар ва солиққа тортиш	5230800
31	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	5230900
32	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва ўлкашунослик (мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича)	5231000
33	Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар	5231100

	(минтақалар ва фаолият турлари бўйича)	
34	Суғурта иши	5231200
35	Пенсия иши	5231300
36	Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	5231400
37	Баҳолаш иши	5231500
38	Иқтисод ва меҳнат социологияси	5231600
39	Кадрлар менежменти	5231700
40	Ижтимоий соҳа менежменти ва инсон ресурслари	5231800
41	Ахборот тизимларининг математик ва дастурий таъминоти	5330100
42	Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)	5330300
43	Компьютер инжиниринги («Компьютер инжиниринги», «АТ – Сервис», «Ахборот хавфсизлиги», «Мультимедиа технологиялари»)	5330500
44	Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент	5350300
45	Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	5610200
46	Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)	5610300
47	Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича)	5620100

Изоҳ. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, мазкур рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни
юримдик мутахассисликка қайта тайёрлаш
курслари тўғрисидаги низомга
2-илова

**Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юримдик мутахассисликка
қайта тайёрлаш курсларини ташкил қилиш ва ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	ТДЮУ Марказ ТДЮУ	1. Тегишли йил учун Маслаҳат комиссияси таркибини тасдиқлайди. 2. Хужжатларни қабул қилиш муддатлари ва ўқишга қабул қилиш учун умумий ўриннинг сони тўғрисида эълон беради. 3. Имтиҳон комиссияси ва Эксперт гуруҳини тузади.	хар йили 15 августга қадар хужжатларни қабул қилиш бошланишидан 2 ой олдин
2-босқич	Марказ	1. Хужжатларни қабул қилади. 2. Суҳбат ўтказиш жадвалларини эълон қилади.	суҳбат бошланишидан 1 ой олдин
3-босқич	Имтиҳон комиссияси Марказ	1. Суҳбат ўтказилади. 2. Суҳбат натижаларини эълон қилади.	ўқув цикли бошланишидан бир ой олдин суҳбат ўтказилганидан кейинги иш куни
4-босқич	Марказ Марказ Давлат аттестация комиссияси	1. Тингловчиларни профессионал ўқитиш курсларига қабул қилади. 2. Ўқув жараёнини ташкил этади. 3. Давлат аттестациясини ўтказилади.	кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилинишидан 15 кун кейин ўқув даври давомида ўқув жараёнининг якуни бўйича
5-босқич	Марказ	Диплом беради.	курсларнинг якуни бўйича

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни
юримдик мутахассисликка қайта тайёрлаш
курслари тўғрисидаги низомга
3-илова

Тошкент давлат юримдик университети
хузуридаги юримдик кадрларн халқаро
стандартлар бўйича профессионал ўқитиш
маркази директориға

_____ (Ф.И.О.)

фуқаро:

_____ дан
(фамилия, исми, отасининг исми)

А Р И З А

Менға олий маълумотға эга бўлган шахсларни юримдик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун кириш имтихонларига рухсат беришингизни сўрайман.

Мен тугатган олий таълим йўналишининг номи: _____

Ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан:

Қайта тайёрлаш курсларига хужжатларни топширишгача бажарилган ишлар ва умумий меҳнат стажи:

_____ (ташкилотнинг номи ва жойлашган жойи, эгаллаган лавозими, стаж)

Аризаға илова қиламан:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

Алоқа маълумотлари _____
(телефон рақами)

20__ йил «__» _____

_____ ИМЗО

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни
юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш
курслари тўғрисидаги низомга
4-илова

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни
юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш
курсларини тугатганлиги тўғрисида давлат намунасидаги
ДИПЛОМ
(тавсифи)

Диплом А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч пушти рангда босиб чиқарилади.

Дипломнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби, пастки қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Дипломнинг қолган юқори қисмида лотин ёзуви билан давлат тилида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI. Qayta tayyorlash haqida DIPLOM» сўзлари босилади. Диплом икки лотин ҳарфи — QT ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч кулранг фонда босиб чиқарилади.

Диплом:

- босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;
- ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очик ранглар;
- нақшли растр;
- ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш натижасида турли рангларни ҳосил қилиш;
- махсус қоғоз;
- ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти химояга эга.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ДАВЛАТ ГЕРБИНИНГ ТАСВИРИ
O'zbekiston Respublikasi

Qayta tayyorlash
haqida

DIPLOM
QT № 000000

_____ (Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20 ___ yil _____ dan 20 ___ yil _____ gacha

_____ da
(Qayta tayyorlash ta'lim muassasasining nomi)

_____ soatga mo'ljallangan

_____ (Qayta tayyorlash kursining nomi)

qayta tayyorlash kursida ta'lim olib, _____

_____ mavzusida bitiruv ishini Davlat attestatsiya

komissiyasida _____ bahoga himoya qildi va qayta tayyorlash o'quv kursini muvaffaqiyatli tamomladi.

Muhr o'rni

Rektor _____
Sana _____

Qayd raqami _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 14 июндаги
453-сон қарорига
4-илова

**Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказлари
рўйхатига киритилаётган
ЎЗГАРТИРИШ**

“Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказлари” бўлими “Минтақавий ва тармоқ марказининг номи” устунининг 15-позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази”.